

*Мавзу: Автоматика асослари.*  
**Автоматлаштириш тизимларида  
қўлланувчи асосий  
тушунчалар»**

Маъruzachi: доцент Р.Т.Газиева

**Toshkent-2015**

## ***Фойдаланиладиган адабиётлар***

- 1. Р.Т.Газиева.** Автоматика асослари ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш. Т.2010й.
- 2. А.Х.Вахидов, Д.Абдуллаева .**Автоматиканинг техник воситалари. Т.2011й.
- 3. Р.Т.Газиева.** Сув хўжалигида технологик жараёнларни автоматлаштириш. Т.2007й.
- 4. 5. Р.Т.Газиева.** Автоматика асослари. Т.2012й.
- 5.М.З. Ганкин.** Комплексная автоматизация и АСУТП водохозяйственных систем. Москва. 1991 г.

**Кириш-тематик маъruzада ўқитиш технологияси**  
**«Автоматлаштиришнинг бугунги ҳолати, асосий мақсад ва вазифалари»**

<b>№1 мавзу. 2 соат</b>	<b>Таълим олувчилар сони: 60 кишидан ошмаслиги лозим</b>
<b>Мавзу</b>	<b>Автоматика элементлари хақида умумий тушунчалар.</b>
<b>Маъруза режаси (1 қисм - кириш, 2 қисм - ахборот)</b>	<p>1. «Автоматлаштириш тарихи ҳақида тушунча. <b>Автоматик назорат қилинадиган катталиклар ҳақида тушунча</b></p> <p>2. Автоматика элементлари, параметрлари, статик ва динамик тавсифномалари.</p> <p>3. Қишлоқ ва сув хўжалиги шароитларида ишлатиладиган автоматика воситаларининг ишлатиш хусусиятлари. »</p>
<b>Асосий тушунча ва атамалар</b>	<b>Автоматлаштириш тизимларида қўлланувчи элементлар, бошқариш схемалари, уларнинг турлари.</b> <b>Автоматлаштириш тизимлари ҳақида умумий тушунчалар.</b>
<b>Ўқув машғулотнинг мақсадлари:</b>	<p>1. Ўқув предмети бўйича тўлиқ маълумот бериш, техника ютуқларини сув хўжалиги ишлаб чиқаришига тадбиқ қила олувчи муҳандис сифатида шаклланишига кўмаклашиш.</p> <p>2. Автоматика элементларининг хусусиятларини ўргатиш.</p>
<b>Таълим бериш воситалари.</b>	<b>Маъруза матнлари, қоғоз варақалари, кодоскоп/компьютер технологиялари, график органайзерлар.</b>
<b>Таълим бериш усуллари ва шакллари.</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маъруза, блиц-сўров;</li> <li>• фронтал иш, гурухларда ишлаш.</li> </ul>
<b>Таълим шароитлари</b>	Гурухдаги ишларни ташкиллаштириш учун мувофиқлашган, техник ускуналар билан жихозланган аудитория

Хозирги даврда халқ хұжалиғи соҳаларини автоматлаштириш жараёнларида 3000 дан ортиқ физик катталиклар ва технологик күрсаткичларни назорат қилиш керак бўлади. ~~Кишлоқ хұжалигини автоматлаштиришда барча назорат қилинадиган катталиклар ва күрсаткичлар асосан беш грухга бўлинади: теплоэнергетик күрсаткичлар; электроэнергетик күрсаткичлар; механик күрсаткичлар; кимёвий таркиби ва физикавий тузилиши.~~

Теплоэнергетик күрсаткичларга: харорат, босим, сатх ва сарф каби катталиклар, электроэнергетик күрсаткичларга: ўзгармас ва ўзгарувчан ток ва кучланиш, актив реактив ва тўла қувват, қувват коэффициенти, частота, изоляция қаршилиг, механик күрсаткичлар: бурчак тезланиш, деформация, куч, айланиш моментлари, деталлар сони, материаллар қаттиқлиги, тебраниш, масса, кимёвий күрсаткичлар: концентрация, кимёвий тузилиши ва таркиби ва физикавий катталиклар: намлик, электр ўтказувчанлик, зичлик, юмшоқлик, ёритилганлик ва кабилар киради.

Бажариладиган вазифаларига қараб автоматлаштиришни қуидагиларга ажратиш мүмкін: **автоматик назорат, автоматик химоя, автоматик бошқариш, автоматик ростлаш.**

---

**Автоматик назорат** ўз навбатида автоматик сигнализация, автоматик үлчаш, автоматик саралаш ва автоматик ахборотни йиғишиңга ажратилади.

**Автоматик сигнализация** хизматчиларни, технологик жараён күрсаткичлари чегаравий маъruzакүрсаткичларга яқинлашганлик ҳақида ахборот беради.

**Автоматик үлчаш** технологик жараённи асосий күрсаткичларини махсус асбобларга узатиб беришга хизмат қилади.

**Автоматик саралаш** махсулотни оғирлик үлчамлари, ранги ва бошқа физико-механикавий хусусиятларига қараб ажратишга хизмат қилади.

---

**Автоматик ахборотни йиғиш** технологик жараён ўтиши, махсулотни сифати, сони ва бошқа күрсаткичлари ҳақида маълумот йиғишиңда хизмат қилади.

**Автоматик химоя** нонормал ва халокат холатларида қўлланилади. Бу ҳолда ҳимоя воситалари жараённи тўхтатиб ёки автоматик равишда ушбу холатларни четлаштиришга хизмат қилади.

# **Автоматика элементлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари**

---

**Автоматика элементи деб ўлчанаётган физик  
катталиқни бирламчи ўзгартирувчи мосламага  
айтилади.**

Автоматика элементлари тўрт хил структуравий  
белгиланиш схемаларидан иборат бўлади :

- а) оддий бир мартали (бирламчи) тўғридан-тўғри  
ўзгартириш;
- б) кетма-кетли тўғридан-тўғри ўзгартириш;
- в) дифференциал схемали;
- г) компенсацион схемали.

**Оддий үлчаш ўзгартиргичлари** бир дона элементдан ташкил топган бўлади. **Кетма-кетли ўзгартиргичларда** эса олдиндаги ўзгартиргичнинг кириш кўрсатгичи кейиндаги ўзгартиргичнинг чиқиши хисобланади. Одатда бирламчи ўзгартиргич сезгирилик элементи (СЭ), оҳирги (кейинги) ўзгартиргич эса чиқиш элемети деб юритилади. Ўзгартиргичларнинг кетма-кетлиги уланиш усули бир мартали ўзгартиришда чиқиш сигналидан фойдаланиш қулай бўлган шароитда қўлланилади.

**Дифференциал схемали үлчаш ўзгартиргичлари** назорат қилинаётган катталикни унинг эталон қийматлари билан солиштириш зарурати бўлганда қўлланилади.

**Компенсацион схемали ўзгартиргичлар** усули эса юқори аниқлик билан ишлаши, универсаллиги ҳамда ўзгартириш коэффициентининг ташқи таъсирларга деярли боғлиқ эмаслиги билан ажралиб туради.

## **Автоматика элементлари тизимнинг энг асосий қисми бўлиб, қуидаги функциялардан бирини бажаради:**

---

- назорат қилинаётган ёки ростланаётган катталикни қулай кўринишдаги сигналга ўзгартириш (бирламчи ўзгартгич - датчиклар);
- бир энергия кўринишидаги сигнални бошқа энергия кўринишдаги сигналга ўзгартириш (электромеханик, термоэлектрик, пневмоэлектрик, фотоэлектрик ва хакозо ўзгартгичлари);
- сигнал табиатини ўзгартирмасдан унинг катталикларини ўзгартириш (кучайтиргичлар);
- сигналнинг кўринишини ўзгартириш (аналог-рақам, рақам аналог ўзгартиргичлари).
- сигналнинг формасини ўзгартириш (таққослаш воситалари),
- мантикий операцияларни бажариш (мантикий элементлар),
- сигналларни тақсимлаш (тақсимлагич ва коммутаторлар),
- сигналларни сақлаш (хотира ва сақлаш элементлари),
- программали сигналларни ҳосил қилиш (программали элементлар),
- бевосита жараёнга таъсир қилувчи воситалар (ижрочи элементлар).

**Автоматика элементларининг функциялари хар ҳил бўлганига қарамай, уларнинг параметрлари умумий ҳисобланади ва уларга қўйидагилар киради:**

---

- статик ва динамик режимлардаги тавсифномалари;
- узатиш коэффициенти (сезгирилик, кучайтириш ва стабилизация коэффициентлари);
- хатолик (ностабиллик);
- сезгирилик чегараси.

Хар бир автоматика элементи учун турғунлашган режимда кириш  $x$  ва чиқиш сигналлари у орасида  $y=f(x)$  боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқлик элементнинг **статик тавсифномаси** дейилади.

---

Кўриниш бўйича автоматика элементларининг статик тавсифномалари уч гурухга ажратилади: **а) чизиқли, б) узлуксиз чизиқли, в) чизиқ узлукли.**

Автоматика элементининг ишлаш шароитлари турғунлашмаган, яъни  $X$  ва  $U$  қийматлари вақт давомида ўзгарилаётган пайти **динамик режим** дейилади. Чиқиш қийматининг вақт давомида ўзгариши эса **динамик тавсифномаси** дейилади..

Автоматика элементлари маълум инерционликка эга, яъни чиқиш сигнални кириш сигналига нисбатан кечикиши билан ўзгарилади.

Элементларнинг бу хусусиятлари автоматик тизимининг динамик режимидаги ишини аниқлайди. Хар бир элементнинг умумий ва асосий характеристикиси унинг ўзгартериш коэффициенти, яъни элемент чиқиш катталигининг кириш катталигига бўлган нисбатига teng. Автоматик тизимларнинг элементлари миқдор ва сифат ўзгартеришларни бажаради.

Миқдор ўзгартеришлар кучайтириш, стабиллаш ва бошқа коэффициентларни назарда тутади. Сифат ўзгартеришда бир физиковий катталик иккинчисига ўтади. Бу ҳолда ўзгартериш коэффициенти **элемент сезгилиги** дейилади.

---

## **Автоматлаштириш тизимларида қўлланувчи асосий тушунчалар**

# *Асосий тушунча ва таърифлар*

**Асосий  
тушунча  
ва  
таъриф-  
лар**

**Бошқариш** - бирон бир жараённи олдинга қуийилган мақсадга йұналтиришига **бошқариш** деб аталади.

**Бошқариш таъсирі** деб - бу бошқариладиган жараёнларға исталған үзгаришини кирита оладиган ҳар қандай мақсадли йұналтирилған ҳаракатта айтилади.

**Бошқариш обьекти** -бошқариши амалға оширилаётган жараёнға (техник жиһозлар мажмуди – механизмалар, мекнам қуроллари ва бошқа жараённи амалға ошириш учун құлланилған жиһозлар) бошқариши обьекти дейилади.

**Автоматик бошқариш обьекти** -бошқариши автоматик қурилмалар орқали амалға оширилса, у холда бошқариши обьектига **автоматик бошқариш обьекти** дейилади.

# *Асосий тушунча ва таърифлар*

**Асосий  
тушунча  
ва  
таъриф-  
лар**


**Автоматик бошқариши (ростлаши)** - бирон бир жараённи одам иштирокисиз техник жиҳозлар (бошқариши қурилмалари) ёрдамида амалга оширилишига **автоматик бошқариши (ростлаши)** дейилади

Бошқариши (ростлаши) ни амалга оширишида қўлланилган техник қурилмаларга **автоматик қурилмалар** дейилади.

Бошқариши жараёни босқичларининг бајсарилишини таъминловчи қурилмалар тўпламига **бошқариши тизими** дейилади.

Барча ишчи ва бошқариши вазифаларини автоматик қурилмалар амалга ошираётган тизимга **автоматик тизим** дейилади.

# *АР ва Б тизимларининг функционал схемаси*




*Хтоп.-топширик,  
Хкир.-кириш сигналы,  
Үчиқ.-чиқиш сигналы.*

## *Автоматик бошқариш (ростлаш) тизими деб*

-бошқариши жараёнининг хамма босқичларини автоматик тарзда бажарадиган техник қурилмалар тўпламига айтилади;

-агар автоматик бошқариши бошқарилаётган қийматни берилган тартиб (қонун) бўйича ўгартириб (бир меъёрда ушлаб) туришига қаратилган бўлса, у холда бундай автоматик бошқаришга **автоматик ростлаш** дейилади.

# *Бошқариш объектининг ташиқи таъсирлари*



**G**- назорат қилинадиган таъсирларнинг қийматлари вектори;

**F**- назорат қилинмайдиган таъсирларнинг қийматлари вектори;

**U** - бошқарувчи таъсирларнинг қийматлари вектори;

**Y**- бошқарилаётган қийматлари вектори;

**X**- бошқариш объектининг холатини қийматлари вектори.

## **АРТ (АБТ) нинг туркумланиши**

АР ва БТ лари асосан қуидаги таснифий белгилар бўйича туркумланиши мумкин:


Тизим ва бошқариш жараёни ҳақидаги ахборотга боғлиқ холда

Тизимнинг ички динамик хусусиятига асосланган холда


## АБТ (АРТ) нинг туркумланиши

Сигналларни  
узатиш  
занжирига  
нисбатан АБТ  
(АРТ)

Очиқ тизим




Берк тизим




## **АБТ (АРТ) нинг туркумланиши**

Сигналларни  
узатиш  
занжирига  
нисбатан АБТ  
(АРТ)

a)



б)



## **АБТ (APT) нинг туркумланиши**

